

Имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / Олти саҳиҳ имомлари иттифоқ қилган ҳадислар / 248-ҳадис

248 – عَنْ ابْنِ عُمَرَ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَهَى عَنِ الشِّعَارِ، وَالشِّعَارُ: أَنْ يُرَوِّجَ الرَّجُلُ ابْنَتَهُ، عَلَى أَنْ يُرَوِّجَهُ ابْنَتَهُ، وَلَيْسَ بَيْنَهُمَا صَدَاقٌ.

[خ 5112، م 1415، ت 1124، س 3334، د 2074، ج 1883].

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шиғордан қайтардилар».

Шиғор - «мен қизимни сенга турмушга бераман, шарти шуки, сен ҳам қизингни менга турмушга берасан, лекин ўртада маҳр бермаймиз» деган келишувдир.

Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насай, Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Изоҳ: «Шиғор» сўзи аслида «бўм-бўш», «холи» деган маънони англатади. Бу бобда эса «шиғор» деб маҳрдан холи бўлган никоҳга айтилмоқда. Бу жоҳилият давридаги никоҳ турларидан бири бўлиб, эркак ўз қарамоғидаги аёлни бошқа бировга унинг ўз қарамоғидаги аёллардан бирини никоҳлаб олиш эвазига узатар эди. Бошқача қилиб айтганда, бу никоҳ аёлларни айирбошладан иборат бўлиб, бунда аёллар маҳрдан ҳам маҳрум бўлар эдилар. Ислом шариати аёл кишининг ҳуқуқларини тиклаб борар экан, бундай келишувни ҳам ман қилган.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI